

## ПЕДАГОГ ОФИЦЕРЛАРНИНГ АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7859223>

**Абдуразаков Фарход Азатович**

*Ўзбекистон республикаси қуроли кучлари*

*Академияси цикл бошлиғи*

*E-mail: abdurazakov @inbox.ru*

*Тел: +998935582540*

### **Аннотация.**

Ушбу мақолада педагог офицерларнинг ахлоқий сифатлари педагогнинг касб ахлоқи унинг ҳиссий кечинмалари, ахлоқий идеаллари ва эътиқоди ҳамда офицерда ахлоқий билимлар ҳосил бўлишининг асосий йўллари ҳақидаги масалалари кенг тарзда ёритилган.

### **Калит сўзлар.**

*ахлоқ, шахс, Қуръон Карим, Ҳадис, билим, ижтимоий, фаолият, таълим, педагог.*

Профессионал педагогик ахлоқ, шахснинг ахлоқий онги сингари, ахлоқий билимларни эгаллаш асосида ҳосил бўлади. Педагогнинг касб ахлоқи унинг ҳиссий кечинмалари, ахлоқий идеаллари ва эътиқоди билан узвий бирликда яхлит ҳолда шаклланади. Педагогик фаолият ва педагогик онг билан чамбарчас боғлиқ бўлган ахлоқий билимлар, ахлоқий хис-туйғулар, ахлоқий эътиқод педагог одобининг таркибий қисмларини ташкил этади.

Жамоада одамлар хулқини тартибга солувчи ахлоқий тушунчалар, тамойиллар, талаблар, қоидалардан иборатдир. Кишининг ахлоққа доир билимлари тўла ёки чала бўлиши мумкин. Ахлоқий билимлар ўзгарувчандир. Таълим-тарбия жараёнида, мустақил тарбия ва мустақил таълим олиш вақтида айрим ахлоқий тасаввурлар, қарашлар ўзгариши мумкин. Масалан, мустақиллик туфайли Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар таъсирида кишиларимизнинг ахлоққа доир тушунчалари, қарашларида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Қуръони Карим, Ҳадисларнинг ўзбек тилида чоп этилиши, Марказий Осиёлик мутафаккирлар, давлат арбоблари асарларининг нашр этилиши натижасида кишиларда, айниқса ёшларда умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида янги ахлоқий тушунчалар, ахлоқий қарашлар, билимлар шаклланмоқда.

Таълим-тарбия ишининг, педагогик фаолиятнинг ахлоқий асосларини тушуниш, яхшилиқ, адолат, масъулият каби ахлоқий қадриятларни англаш Ўзбекистонда рўй бераётган мафкуравий ўзгаришлар, умуминсоний ва миллий-ахлоқий талабларни ўзлаштириб олишга кўмаклашади.

Офицерга нисбатан кўйиладиган ахлоқий талаблар жамиятда мавжуд бўлган ахлоқий одатларга, педагогик бурчига, умумҳарбий низомлар талабларига мос келиши лозим. Педагогик одоб қоидаларида офицернинг ўз хизматдошлари, бошлиқлари, бўйсунувчилари, ота-оналар, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, жамоатчилик вакилларига муносабати, муомаласи, унинг хатти-ҳаракатларига доир йўл-йўриқлар ифодаланади.

Педагогик жараён муайян бир вазиятда амалга оширилади. Ана шу вазият характеридан, шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда педагог одобининг талаб ва қоидалари бажарилади, офицернинг педагогик такти намоён бўлади.

Офицерда ахлоқий билимлар ҳосил бўлишининг асосий йўллари билан бири касбий, умуминсоний ва миллий-ахлоқий қадриятларни билиб, англаб олишдир. Ватанпарварлик, инсонпарварлик, байналмилалчилик каби ахлоқий тамойиллар педагогик одобда офицер фаолияти билан боғлиқ тарзда ахлоқий талабларга айланади ва педагогнинг хулқини, хатти-ҳаракатларини тартибга солиб туради. Шу билан бирга офицернинг одоб маданияти, ахлоқий ҳис-туйғулари бўйсунувчиларга тарбиявий таъсир ўтказишнинг кучли воситасидир.

Хулқий одатлар, ахлоқий қарашлар кишининг ҳис-туйғуси билан чамбарчас боғлиқ. Ахлоқий ҳис-туйғулар ҳушёрликни оширади, олийжаноб инсоний хатти-ҳаракатларни жонлантиради ва аксинча, педагогнинг лоқайдлиги, бефаросатлиги бўйсунувчиларда баъзи иллатлар пайдо бўлишига олиб келади.

Киши ўз фаолияти ва хатти-ҳаракатларида қалб даъватига биноан қатъий амал қиладиган, унинг онгидан чуқур ўрин олган ахлоқий билимлар ва қарашлар мажмуи ахлоқий эътиқод ҳисобланади. Одам ҳамма вақт ҳам ўз тасаввур ва тушунчалари – билимларига мос ҳаракат қилавермайди. Бунинг учун маълум бир шарт-шароитлар, эътиқод керак. Агар ахлоқий билимлар кишининг эътиқодига айланган бўлсагина унинг хатти-ҳаракатларини бошқаради.

Ҳарбий педагогнинг ахлоқий эътиқоди бу унинг ахлоқий билим ва қарашлари жамиятга, ўз касбига, бошлиқлари ва бўйсунувчилари,

хизматдошлари, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, ота-оналар, жамоатчилик вакилларига муносабатида, таълим-тарбия вазифаларини бажаришда хулқининг қатъий қонун-қоидасига айланишидир.

Педагоглик фаолияти офицердан фаолликни талаб этади. У жамиятда, теварак атрофда, жамоада содир бўлаётган фактлар, воқеа-ҳодисаларга бефарқ қараб туролмайди. Ўз бўйсунувчиларини бу ҳодисалардан хабардор қилиши, воқеаларнинг моҳияти, сабабларини тушунтириб, уларни тўғри йўлга, шахс, жамоа ва жамият учун фойдали ишларга йўналтириши лозим. Бунинг учун педагогда ахлоқий эътиқод ривожланган бўлиши зарур.

Ахлоқий билим ва қарашлар амалий фаолият жараёнида обектив шароитлар таъсирида педагогнинг эътиқодига айланади. Билимлар, қарашлар ва эътиқод бир заминдан ўсиб чиқади, улар ахлоқий баҳолаш, ахлоқий тамойиллар, талаблар, қонун-қоидалар билан узвий боғлиқдир. Билим ва қарашлар ўзгарувчан бўлади. Ахлоқий билим ва қарашлар ҳис-туйғулар воситасида шахснинг эҳтиёж ва манфаатларига мос равишда барқарорлашсагина эътиқодга айланади.

Олимларнинг таъкидлашига кўра, икки турдаги эътиқод мавжуд.

Бири – кўр-кўрона ишонишга асосланган эътиқод. Бу жоҳил кишиларга, фанатикларга кўпроқ хосдир. Иккинчиси эса умуминсоний, миллий-ахлоқий ва касбий идеалларнинг ижтимоий қимматини ақл-идрок билан англаб етишга асосланган эътиқоддир. Педагог онгида барқарор шаклланган ахлоқий эътиқод профессионал фазилат даражасига етади. Эътиқодли тарбиячи офицер кўзлаган педагогик мақсадга эришиш жараёнида учрайдиган қийинчиликлар, тўсиқлардан чўчимайди, уларни ақл ва сабот билан бартараф этади. Одатда, бундай офицер педагогик фаолиятда ташаббускор ва ташкилотчи бўлади.

Онгли равишда ҳосил қилинган, умуминсоний ва миллий-ахлоқий кадриятларга мос келадиган, принципиаллик ва ўз-ўзига нисбатан талабчанликка асосланган эътиқодгина педагогик одоб талабларига мос келади.

Ахлоқий билимлар ва ахлоқий қарашлар кишининг ташқи муҳитдан, жамиятдан олган ва тартибга солинган ахборотларидир. Ахлоқий эътиқод эса тартибга келтирилган ахборотлар билан бирга хатти-ҳаракатнинг мўлжалланган, назарда тутилган андазаси ҳамдир. Ахлоқий эътиқод ахлоқий тажриба асосида шаклланади.

Ахлоқий йўл-йўриқларни белгилашнинг муҳим фактори бўйсунувчиларга яхши хулқ-одатларни амалда кўрсатиш ва сўз орқали таъсир этишдир. Бўйсунувчига сўздан кўра, эшитганларидан кўра кўрилган ва ҳис этилган нарсалар кўпроқ таъсир ўткази. Одатда, офицерлар ахлоқий тарбияда кўпроқ сўз билан таъсир этиш воситасидан фойдаланадилар. Бу эса ҳамма вақт ҳам кутилган натижани беравермайди. Шунинг учун ҳам айтилаётган гапларни кўрсатмали мисоллар билан тўлдириш лозим. Айтилаётган сўзлар офицернинг бажараётган иши ва хулқига мос келиши керак. Педагог одобда ахлоқий идеал тарбиячи офицер шахсининг юксак ахлоқий фазилатлари ҳақидаги ғоялар тизимидан иборат бўлиб, унинг таълим-тарбия жараёнидаги хатти-ҳаракатларини педагоглик бурчини англаш асосида тартибга солиди ва бўйсунувчиларни баркамол қилиб тарбиялашга хизмат қилади. Ахлоқий идеалда жамиятнинг офицерга кўядиган талаблари акс этади. Бу талаблар педагоглик бурчини самарали бажариш учун зарур бўладиган ахлоқий фазилатларни ўзида мужассамлаштиради. Ахлоқий идеалнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у офицер эришиши лозим бўлган мақсадни ҳам назарда тутди. Ахлоқий идеал келажакка йўналтирилган бўлади, шу билан бирга у реал борлиққа ҳам асосланади. Турмушдан ажралиб қолган мавжуд ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва истиқболларни эътиборга олмайдиган идеаллар инсоннинг фаолияти учун йўлланма бўла олмайди, у хомхаёл, фантазия бўлиб қолаверади.

### ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1.Муслимов.Н.А. Ҳарбий таълим ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фанл. докт. . дисс. Т.: 2007. – 349 б.

2.Мусурмонова О. Оила маънавияти-миллий ғурур. Оқув кўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 200 б.

3.Насриддинов Ч.Р. Ҳарбий психология. Тошкент: «Фан» нашриёти, 2004.

4.Муслимов.Н.А. Ҳарбий таълим ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фанл. докт. ... дисс. Т.: 2007. – 349 б.

5.Акрамова Ш. Ҳарбий педагогика. Олий ҳарбий таълим муассасалари учун. Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2021. - 295 б.

6.Иноятлов И.Ю., Абилов М.Х. Ватан ҳимояси – муқаддас бурч. – Т.: –Ўзбекистон| нашриёти, 2001. – 81-93-б.